

ХАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ МЎЎТАБАР МАТНЛАР ТАСНИФИ

Нодирбек Кабилович ТУРАБОЕВ

Тошкент ислом институти

“Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ханафий мазҳабида кўплаб фикҳий матнлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам мусулмонлар орасида оммалашмади. Фақатгина у ишончли манбаларга асосланган ва қулай тартибланган бўлсагина оммалашиб борди. Булар “мухтасар” жанридаги матнлар деб юритилади. Уларнинг шаклланиб ривожланиб бориши ва такомил эътиборидан шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин. **Мақолада машхур матнларнинг турли шартларга кўра таснифлаш тадқиқоти амалга оширилган.**

Калит сўзлар: Матн, фикҳ, мухтасар, мазҳаб, зоҳирур-ривоя, зухд, фуруъул-фикҳ, намоз, закот, рўза, ҳаж, таҳорат, никоҳ, ал-мутун ас-саласа

КЛАССИФИКАЦИЯ ДОСТОВЕРНЫХ ТЕКСТОВ ХАНАФИЙСКОГО МАЗҲАБА

Аннотация: В ханафитской школе имеются множество текстов по фикх. Однако не все они стали популярным среди мусульман. Текст приобретал популярность только в том случае, если был основан на надежных источниках и удобно упорядочиван. Такие тексты называются мухтасар- «краткими». С точки зрения их становления, развития и совершенствования их можно условно разделить на два периода. В статье проводится исследование классификации популярных текстов по разным условиям.

Ключевые слова: текст, фикх, краткое изложение, мазҳаб, кажущееся повествование, зухд, фуру'уль-фикх, молитва, закят, пост, хадж, омовение, брак, аль-мутун ас-саласа

CLASSIFICATION OF RELIGIOUS TEXTS IN THE HANAFI MADHḤAB

Annotation: There are many jurisprudential texts in the Hanafi madhḥab. But not all of them were popular among Muslims. It only gained popularity if it was based on reliable and conveniently ranked sources. These are called in the genre of "mukhtasar" texts. From the point of view of their formation, development and perfection, they can be conditionally divided into two periods. The article conducts a study of the classification of popular texts according to different conditions.

Keywords: *Text, fiqh, mukhtasar,, madhhab, zohirur-rivoya, zuhd, furu'ul-fiqh, prayer, zakat, fasting, hajj, ablution, marriage, al-mutun as-salasa*

Ханафий мазхаби фикҳида жуда кўп китоблар ёзилган бўлиб, улар ўз навбатида услуби ва ҳажми ва мақсадига кўра турли-тумандир. Уларнинг орасида “мухтасар” деган жанр ҳам бўлиб, илм аҳли орасида энг кўп фойдаланилади. Чунки улар қисқа ва ўқишга қулай шаклда баён қилинган бўлиб, айти пайтда ўзида жуда кўп маълумотларни жамлаган. Бу матнлар биладиган одамлар учун эслатма ва янги ўрганувчи учун ўқиб ўрганиш ва ёдлаш учун жуда ҳам қулай. Шу билан биргаликда, бу матнлар энг ишончли маълумотларни ўзида акс эттиради. Ушбу талаб уларнинг эътироф этилишининг асосий мезони ҳисобланади. Бу жанрда жуда кўп китоблар ёзилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам илм аҳллари орасида эътироф этилмади. Йиллар ўтиши билан сараланиб борди. Ҳаттоки, асли ишончли манбаларга таянган бўлса ҳам нима учундир амалда уларга мурожаат қилинмай қўйди. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, улар асосида бошқа қулай китоблар ёзилиб уларнинг ўрнини босиб кетди. Иккинчидан, тузилишига кўра бироз ноқулайликлар сабабли уларга эҳтиёж камайди. Бунга айти ривожланган даврда ҳам ўша мўътабар китобларнинг нашр қилинмаганлигидан билиш мумкин. Чунки, одатда китоблар эҳтиёжга қараб нашр қилинади. Бундай асарларга Ҳоким Шаҳиднинг “Ал-Кофий” ва Абул Ҳусайн ал-Кархийнинг “Мухтасар” асарларини киритиш мумкин.

Мазҳабнинг асосий манбаси “Зоҳирур ривоя” бўладиган бўлса, Ҳоким Шаҳид (ваф. 334-ҳиж.) ундаги такрор келган масалаларни қисқартириб ўзининг “Ал-Кофий” деб номлаган китобига жамлади. Ҳоким Шаҳиднинг “Ал-Кофий”сидан кейин ўша асрнинг ўзида (тўртинчи ҳижрий) бир нечта мухтасарлар юзага келди. Улардан бири Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 321 ҳиж.) “Мухтасар”идир. Яна бири Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ал-Кархийнинг (ваф. 340 ҳиж.) “Мухтасар” асари. Аллома Абдулҳай Лакнавий “Умдатур риёя” китобида юқорида зикри келган мухтасарларни мадҳ этиб шундай дейди: “Уларни Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Кархий, Ҳоким Шаҳид ва Қудурий каби имомларнинг иқтидорлилари, илм, зуҳд, фикҳ билан танилган ва ривояти ўта ишончли эканлиги билан машҳур бўлган фуқоҳоларнинг улуғлари таълиф этганлар ”.[1.Б.47] Бу ҳақда яна Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий ўзининг “Мухтасарул Қудурийнинг ханафий фикҳидаги ўрни” деган рисоласида юқорида гапни қўллаб-қувватлаб айтади: “Ханафий мазҳабининг асосий манбаси Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг олти китобдан иборат “”Зоҳирур ривоя асаридир. Сўнг Ҳоким Шаҳид “Зоҳирур ривоя” ни ўзининг “Ал-Кофий” китобига жамлаб унга эргашди. Кейин ат-Таҳовий ўзининг “Мухтасар” и билан

эргашиди, кейин эса Кархий. Улардан кейин ал-Қудурий келди ва ўзининг “Мухтасар” и билан ҳаммасига рақобатлашди”[2.Б.161].

VIII асрдан кейин яшаган ҳанафий мазҳабининг уламолари, алоҳида, "Ал-мутун ал-арбаъа" деб номланган тўртта китобни ажратиб кўрсатишган. Улар “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя” ва “Мажмауль баҳрайн” асарларидир. Аммо кейинги олимлар “Ал-мутун ас-саласа” деб аталган учта китобга урғу беришди: “Виқоя”, “Канз” ва “Мухтасар ал-Қудурий”. [3.Б.106-107] Бизнинг мазҳабимиз уламолари доимо ушбу беш асосий матн (“Қудурий”, “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя”, “Мажмаул Баҳрайн”) га таяниб келганликларини кўрамыз.

Келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳанафий мазҳабида мухтасар китоб таълиф қилиш силсиласи ушбу тартибга кўра ривожланди. Бу китоблар эса ишончлилигига кўра мазҳабнинг суянчиғи дейиш мумкин. Бу асарларнинг ишончлилиги ва қулайлик даражасини аниқлаш учун назарий жиҳатдан “мухтасар” жанри талабларига кўра бир нечта шартлар ишлаб чиқдик. Шунга кўра назарий жиҳатдан уларнинг даражасини белгилаш мумкин. Улар:

1. Матннинг қисқа бўлишига кўра. Бу шартга кўра биз танлаган ҳамма китоблар мухтасар қилинганлигини кўрамыз. Ҳаттоки Ҳоким Шаҳиднинг “ал-Кофий”[4] асари бошқаларга қараганда кенгроқ баён қилинганига қарамай, айнан “Зоҳирур ривоя” асарларидан қисқартириб олинганлиги ва такрорлардан четланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ўз даври учун катта қадам эди. Кейинги давр матнлари учун асос бўлди. Қолган китоблар эса бу шартга тўла жавоб бердади.
2. Мазҳабнинг ишончли манбаларига асосланган бўлиши. Ушбу китоблар ҳанафий мазҳабининг саҳиҳ ривоятлари - “Зоҳирур ривоя”га таянади. Шунинг учун бу китоблар шўхрат топиб мазҳабнинг суянчига айланиб борди.
3. Мазҳабнинг фуруъул-фикҳ масалаларини тўла қамраб олиши. Албатта бу асарлар ҳажми кичик бўлишига қарамай, мазҳабнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олишни кўзда тутди. Фақатгина “Виқоя”[5] китоби “Ҳидоя” масалаларига чекланганлиги учун унда фароиз, яъни мерос мавзуси келтирилмаган. Бошқа ҳаммасида бу боб баён қилинган.
4. Фақат ҳукмларнинг ўзи билан чекланиши. Мухтасар матнлар фақатгина ҳукмларнинг баёни билан чекланади. Ҳаттоки, “ал-Кофий” ҳам далилларни баён қилмаган. Лекин Қудури китобининг таҳорат бобини бошлашда табаррукан оят билан бошлайди. Кейин эса бир нечта ўринда ҳадисдан далил келтиради ҳолос. Шунингдек, “Виқоя” да ҳам таҳорат китоби аввалида оят келтирилган. Кейин бошқа далил келтирилмаган.
5. Кўп маълумотларни ўзида акс эттирган қисқа иборалар билан ифодаланиши. Ушбу шарт китобнинг ҳажмини кенгайтириб кетишини олдини олади. Мухтасар китоблари бунга қаттиқ амал қилган. Фақатгина аввалги матнларда бу қоидадан

бир оз четланган. Чунки ҳали бу жанр тўла шаклланиб улгирмаган эди. Бунга мисол қилиб Таҳовий, Ҳоким Шаҳид ва Кархийларнинг асарларини келтириш мумкин.

6. Ибораларининг содда тилда баён этилиши. Аксари китоблар таълим учун ёзилади ва бунда ўқувчига қулайлик кўзда тутилиб содда тилда баён қилинади. Мухтасар матнларда ҳам бунга амал қилишга ҳаракат қилинади. Фақатгина “Виқоя” да қисқартиришга кўп эътибор қаратилиб жумлаларнинг бироз мураккаблини юзага келтирган. Қолган китобларда иложи борица соддаликка эътибор қаратилган. Бу айниқса Қудурийнинг асари[6] да яққол намоён бўлади.

7. Бобларнинг тартибли бўлиши. Фуруъул фикҳ китоблари тузилишига кўра аввал ибодат масалаларини, кейин муомала масаларини ўз ичига олади. Ибодатлар қисми аввалда таҳорат китоби билан бошланади, кейин намоз, закот, рўза ва ҳаж мавзулари билан якунланади. “Ал-Кофий” асари намоз китоб билан бошлана, лекин таҳорат масалалари унинг аввалида баён қилинган. Таҳорат масалалари алоҳида боб қилиб ажратилмаган. Китобларда муоамалот қисми икки ҳил шаклда бошланади. Биринчисида савдо ва унга боғлиқ олди-берди масалалари бошланса, иккинчисида никоҳ ва унга боғлиқ ижтимоий мавзулар билан бошланади. Биз ўрганаётган мухтасар матнларда муомалот бўлими турлича бошланишини кузатдик. “Ал-кофий”, “Канзуд дақоик”[7] ва “Виқоя” асарлари никоҳ билан бошланади. Таҳовий[8], Кархий[9] ва Қудурийларнинг “Мухтасар” лари, “Мухтор” [10] ва “Мажмаъул баҳрайн”[11] асари савдо китоби билан бошланади. Лекин бу фарқлар уларнинг савиясига таъсир қилмайди.

8. Боблар ичида маълумотларнинг изчиллик билан қулай тартибда баён қилиниши. Бу шарт асарни ўрганиш ва ёдлашни қулайлаштиради. Бу талаб кейинроқ юзага кела бошлади. Шунинг учун дастлабки матнларда бироз тартибсизликлар учраб туради. Бунга дастлаб ёзилган учта матнни мисол қилиш мумкин. Қудурийнинг асарида бошлаб боблар ичидаги тартиб тўғри йўлга қўйилганлигини кузатамиз.

9. Асарга далил бўлган оят ва ҳадисларнинг сўзларидан фойдаланишга кўра. Бунда биз назарда тутган китобларнинг таҳорат бобининг тамяммум фаслида таяммум қилиш учун ишлатиладиган унсурни қайси сўз билан ишлатганини кўриб чиқамиз. Ҳоким Шаҳид, Таҳовий, Кархий, Қудурий, Ибн Соатий ўз асарларида Қуръони каримда келган “соъийд” (тупроқ) деган сўзни ишлатганлар. Абул Барокот ан-Насафий, Маҳбубий, Муслийлар эса “ер жинси” деб келтиганлар. Бу билан маънога зарар етмайди, лекин оятдаги сўзни табаррук санаб ишлатилиши асарнинг ҳам эҳтиром қилинишига сабаб бўлади. Шу билан бирга уни ўқиётган одамнинг зеҳнига далилнинг осон келишига ёрдам беради.

Демак, юқоридага таснифлашдан билинадики, илм аҳлилари эътироф қилган матнлар ҳар жиҳатдан мазҳабнинг асосий манбалари ҳисобланар экан. Биз зикр қилган асарлар ҳар жиҳатдан ҳанафий мазҳабининг энг мўътабар манбаларидир. Фақатгина баъзи асарлар вақт ўтиши билан услуби эскирганлиги сабабли истеъмолдан чиқиб кетганлигини билиш мумкин. Бу китоблар орасида Абул Ҳусайн ал-Қудурийнинг “Мухтасар” и аввалги ёзилган матнлар билан кейингилари ўртаси гўёки кўприк вазифасини ўтаган. Мўътабар матнлар орасида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб кейингилари учун манба бўлганлиги уни яна ҳам қадрини оширади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулҳай Лакнавий, Умдатур риёя ала шарҳил виқоя, Байрут, 1971, Ж-1, -Б. 47
2. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни.**Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad.** <http://iri.iiu.edu.pk/> -Б. 161
3. Абдулҳай Лакнавий. Алфавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия», 1324 ҳ. -Б. 106-107
4. Шамсуддин ас-Сарахсий, Китобул мабсут, Дорул маърифа, Барут, 1989 й
5. Тожуш шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий, Виқотур ривоя фи масоилул ҳидоя, Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1971 й
6. Абул Ҳусайн ал-Қудурий, Мухтасар, Мадинаи Мунаввара, Дорус сирож, 2014 й
7. Абул Баракот ан-Насафий, Канзуд дақоик, Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1971 й
8. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ат-Таҳовий, Мухтасар,
9. Абул Ҳусайн ал-Қудурий, Шарҳи мухтасил Кархий, 1430 й ҳ
10. Абул Фазл Мажидуддин Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Муслий, Ал-Мухтор лилфатво, Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1971 й
11. Музафаруддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб, Мажмаул баҳрайн, Дорул кутубил илмийя, Байрут, 2005 й